

8-синф дарслигининг «SMM асосида тадқиқот лойиҳаларини бошқариш. Youtube сайтида канал очиш» 8-мавзусини веб-квест технологияси асосидаги дарс ишланмасини келтирамиз.

Мавзу: SMM асосида тадқиқот лойиҳаларини бошқариш. Youtube сайтида канал очиш

1-босқич. Кириш. Ушбу босқичда (SMM асосида тадқиқот лойиҳаларини бошқариш. Youtube сайтида канал очиш) мавзусини веб-квест технологияси ёрдамида машғулот олиб бориш босқичлари тушунтирилади ва дарс якунида ўқувчилар билимини баҳолаш айтилади. Ўқувчиларнинг билими икки босқичда, яъни биринчи босқичда назарий билимлари тестлар ёрдамида баҳоланса, иккенинчи босқичда яратган каналлари таҳлил қилиниб баҳолаш тушунтирилади.

2-босқич. Муаммо қўйилади. Ечилиши талаб этиладиган қўйидаги вазифа берилади:

- 1) YouTube сайтида канал учун керакли шаблонни танлаш;
- 2) берилган топшириқни бажариш учун каналга ном танлаш;
- 3) керакли ўқув воситаларини тўплаш.

3-босқич. Топшириклар берилади. Мустақил бажариш учун қўйидаги топшириклар берилади:

- 1) google.com дан аккаунт яратиш;
- 2) YouTube Studio бўлими орқали канал очиш;
- 3) YouTube сайтида канални созлаш;
- 4) YouTube сайтида каналга видео жойлаштириш;
- 5) YouTube сайтида қўшимча канал очиш;

4-босқич. Маслаҳат ва тавсиялар бериш. Қўйилган муаммони ечиш ва берилган топшириқни бажариш учун **dr.rtm.uz**, **it-education.uz** ахборот-таълим муҳитларидан фойдаланиш тавсия этилади. Қўйидаги 1-расмда тадқиқот доирасида яратилган ахборот-таълим муҳитининг бош ойнаси келтирилган.

The screenshot shows the homepage of the IT-EDUCATION.UZ website. The top navigation bar includes links for 'Asosly', 'Tizim haqida', 'Nazoratlar', and 'Taqdimatlar'. Below the navigation, there are six main categories arranged in a grid:

- TAQDIMOTLAR**: 8-sinf o'quvchilari uchun informatika dars mashg'ulotlari taqdimatlari.
- VIDEODARSALAR**: 8-sinf o'quvchilari uchun informatika fonda video mashg'ulotlari.
- NAZORATLAR**: B-sinf o'quvchilari uchun informatika fanidan nazoratlar to'plami.
- RESURSLAR**: Iqtidorli o'quvchilar uchun resurslar.
- TOPSHIRIQLAR**: Iqtidorli o'quvchilar uchun topshirig'lar.
- BAHOLASH**: Iqtidorli o'quvchilarni bilmimi boholash.

1-расм. Тадқиқот доирасида яратилган ахборот-таълим мухитининг бош ойнаси.

Тадқиқот доирасида яратилган ахборот-таълим мухитидан ва Халқ таълим вазирлигининг веб-сайтидан мавзуга оид видеодарслардан фойдаланиб, топшириқларни бажариш мумкин бўлади.

Шунингдек, тадқиқот доирасида яратилган ахборот-таълим мухитига жойлаштирилган дарс ишланмаларидан фойдаланиш тавсия этилади.

The screenshot shows a web page titled "O'qituvchi uchun metodik yordam". The page features a dark blue header with the title and a large, abstract network diagram consisting of numerous glowing blue dots connected by lines, representing a digital or informational network.



8- DARS: SMM ASOSIDA TADQIQOT LOVIHALARINI BOSHQARISH. YOUTUBE SAYTIDA KANAL OCHISH



2- DARS: SMM PLATFORMALAR BILAN TANISHISH. FACEBOOK TARMOG'I



14- DARS: CMSDA MAQSADGA YO'NALTIRILGAN WEB-SAYTLARNI YARATISH



2-расм. Тадқиқот доирасида яратилган ахборот-таълим мухитининг дарс ишланмалар бўлимининг ойнаси.

Тавсия этилаётган бўлимда ҳар бир мавзуга оид дарс ишланмалар жойлаширилган. Ўқувчилар ушбу бўлимдан амалий топширикларни бажариш учун керакли маълумотларни олиш имкониятига эга (Ҳар бир амалий дастурларнинг яратиш кетма-кетлиги келтирилган).

5-босқич. Амалий иш жараёни. Ушбу босқичда YouTube сайтида канал очишини ўқувчи мустақил равища яратади. Бу босқичида ўқитувчи ўқувчиларнинг мустақил равища бажаришини назорат қиласи ҳамда зарурий тавсиялар бериб боради.


6-босқич. Хулоса. Ўқувчилар томонидан яратилган шахсий каналлари муҳокама қилинади ва умумий хулоса қилинади. Энг яхши канал аниқланади.

7-босқич. Баҳолаш. Мазкур босқичда ўқувчилар билими баҳоланади. Баҳолаш икки босқичда амалга оширилади: 1. Назарий билимлари (тестлар ёрдамида). Ўқувчиларнинг билимини баҳолашда стандарт тестлар ва кроссвордлардан фойдаланилади. Бу тестлар тадқиқот доирасида яратилган ахборот-таълим муҳитида мужассамлашган:



3-расм. Стандарт тестлардан фойдаланиш жараёни.

Стандарт тестлар ёрдамида «SMM» асосида тадқиқот лойиҳаларини бошқариш. Youtube сайтида канал очиши мавзуси бўйича ўқувчиларнинг назарий билимлари баҳоланса, кроссвордлар ёрдамида эса уларнинг хотираси кўчайтирилди ва зеҳнини оширишда хизмат қиласи:



4-расм. Кроссвордлардан фойдаланиш жараёни.

Savolni tanglang

6-Savol

6-savol. YouTube kanaliga qaysi bo`lim orqali video dan foydalanish huquqlari ko`srsatiladi?

1. Xato

2. G | O | O | G | L | E To'g'ri

3. V | I | D | E | O | M | A | N | A | G | E | R To'g'ri

4. D | E | T | A | I | L | S To'g'ri

5. Xato

6. Xato

Asosiy oyna **Tekshirish**

5-расм. Кроссвордлардан фойдаланиш жараёни.

Иккинчи босқичда ўқувчилар билими ICILS тестлар ёрдамида баҳоланади. ICILS тестлар ўқувчиларнинг мантикий фикрлашини ва ёзма нутқини, керакли маълумотларни танлаш қобилиятини ривожлантиради. Шу боис, 8-синф «Информатика ва ахборот технологиялари» дарсларида ICILS тестлардан фойдаланиш самарали ҳисобланади. ICILS тестлардан ўқувчиларнинг билимини баҳолашда икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда «SMM асосида тадқиқот лойиҳаларини бошқариш. Youtube сайтида канал очиш» мавзусида оид назарий билимлари текширилади:

1 / 6

YouTube tarmog'ida kanalga video joylashtirish uchun qaysi ko'ssatmalardan foydalaniadi?

Videokamera

Upload video

Avatar

Overview

Next

YUKLAB OLISH: 8-DARS
EXE Yuklab olingan: 3, hajmi: 5.8 MB, sana: 06.04.2022

6-расм. ICILS тестлардан фойдаланиш жараёни.

8-icils test

Savol 1 dan 9 -19:53

YouTube saytida kanalni sozlashni tartib bilan belgilang.

1. Add channel art yordamida tanlangan tasviri o'matamiz
2. YouTube yugorida joylashgan qismida joyashgan avatarni bosib, Your channel,so'ng Customize channel tanlanadi
3. Avatarni tanlab, Edit channel icon oynasida Edit tugmachasini bosgan holda Google+ga o'tlib mos rasm tanlanadi.
4. Aboutda bo'limi orqali kanal haqida ma'lumotlar elektron pochta kiritamiz
5. Kanalga video joylashtirish uchun Videokamera ikonkasini bosib, Upload video ko'sratmasi tanlanadi.

Orqaga qaytish Navbatdagi savolga o'tish Tugatish

8-icils test

Savol 5 dan 9 -19:11

Quyidagi tushunchalarini ma'nosi bilan moslang.


YouTube	foto va videolarni ulashish uchun mo'ljallangan tarmoq
Facebook	ko'plab interfaol foydalanuvchilarga ega videoroliklar platformasi
Telegram	xabarlashish va marketing faoliyatini yurituvchi ijtimoiy tarmoq
Instagram	onlayn subbatlashish va turli formatdagi fayllarni almashish tarmoq

Orqaga qaytish Navbatdagi savolga o'tish Tugatish

7-расм. ICILS тестлардан фойдаланиш жараёни.

Иккинчи босқичда эса амалий билимлари баҳоланади. Ўқувчилар ушбу саволга махсус дастурларда яратилган амалий топшириқларни бажариб кўрсатадилар. Бунда қуйидаги топшириқлар берилади:

1. YouTube сайтига канал очиш учун қайси бўлим танланади?



8-расм. ICILS тестлардан фойдаланиш жараёни.

2. YouTube сайтидаги каналга видео жойлаштириш учун қайси банддан фойдаланилади?

Returning viewers	Unique viewers	Subscribers
3	2	1
2	1	0
1	0	0
0	0	0

9-расм. ICILS тестлардан фойдаланиш жараёни.

3. YouTube сайтидаги каналга ном бериш учун қайси бандда киритилади?

Create your channel name

You can use your brand's name or another name. A good channel name represents you and your content. You can change your channel name at any time. Learn more


Channel name

I understand that I am creating a new Google Account with its own settings, including YouTube search and watch history. Learn more

CANCEL CREATE

10-расм. ICILS тестлардан фойдаланиш жараёни.

4. YouTube TV га ўтиш учун қайси тугма босилади?



11-расм. ICILS тестлардан фойдаланиш жараёни.

Ушбу саволга ўқувчи керакли бандини сичқонча тугмасини босиб кўрсатиб жавоб беради.

YOUTUBE САЙТИДА КАНАЛ ОЧИШ

1. www.youtube.com сайтига аккаунт орқали киринг.
2. You Tube Studio бўлимини танланг.
3. Create Channel тугмачасини босинг.
4. You Tube сайтининг ўнг юқори қисмида жойлашган аватарни босиб Your Channel сўнг, Costumize Channel танланг.
5. Channel name қаторига канал номини ёзинг: Internet marketing
6. Белгили тугмача ва Create тугмасини босинг.

Мазкур берилган топшириқларни ўқувчилар маҳсус яратилган ўргатувчи дастурлар ёрдамида амалий бажариб кўрсатадилар:

Topshiriq

YouTube saytida kanal ochish

1. www.youtube.com saytiga akkaunt orqali kiring.
2. You Tube Studio bo`limini tanlang.
3. Create Channel tugmchasini bosing
4. You Tube saytining o'ng yuqori qismida joylashgan avatarni bosib Your Channel so'ng, Costumize Channel tanlang.
5. Channel name qatoriga kanal nomini yozing: Internet marketing
6. Belgili tugmacha va Create tugmasini bosing.

12-расм. ICILS тестлардан фойдаланиш жараёни.

Ўқувчилар бу амалий топшириқларни бажариш асосида YouTube сайтида канал очишга оид кўникмага эга бўладилар.

2. «SMM асосида тадқиқот лойиҳаларини бошқариш. Youtube сайтида канал очиш» мавзусига оид ўқувчининг билими стандарт, ICILS тестлардан ва кроссвордлар орқали баҳолангандан сўнг, ўқувчилар билими, амалий ишлари таҳлил қилиниб, баҳоланади. Баҳолашда 2.2-жадвалда келтирилган вазифани тушуниш, қўйилган муаммони ва топшириқни бажариш, ишнинг натижаси, ижодкорлик мезонларига таянилади.